

See discussions, stats, and author profiles for this publication at: <https://www.researchgate.net/publication/336825690>

Алишер Навоий ва XXI аср

Article · May 2016

CITATIONS

0

READS

95

1 author:



Nilufar Egamberdiyeva

National University of Uzbekistan

4 PUBLICATIONS 0 CITATIONS

[SEE PROFILE](#)

Some of the authors of this publication are also working on these related projects:



A.Navoiy [View project](#)



АЛИШЕР НАВОЙЙ ва XXI АСР

1-Республика илмий-назарий анжумани

Тошкент, 2016 йил, 23 май

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети
Ўзбек филологияси факультети
Ўзбек адабиёти ва матншунослик кафедраси

«АЛИШЕР НАВОЙ ВА XXI АСР»

*мавзудаги Республика илмий-назарий
анжумани материаллари*

*Муҳаррир Ш. Жўраев
Саҳифаловчи У. Сайдов*

«ТАMADDUN» нашриёти. 100029.
Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Лицензия АI №247. 02.10.2013 йилда берилган.
Босишига рухсат этилди 20.05.2016 й. Бичими 84x108 1/16 .
«Arial» гарнитураси. Офсет усулида. Нашриёт босма табоби 17,5. Адади 100 нусха.
Баҳоси келишилган нархда. 25-сонли буюртма.

«TURON-МАТВАА» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Тошкент, Олмазор тумани, Талабалар кўчаси, 2-уй.

<i>Салимов Баҳриддин. Алишер Навоий ижодида инсонийлик ғояларининг акс эттирилиши ва унинг аҳамияти</i>	138
<i>Иногомова Дилдора. Мустақиллик даврида Алишер Навоий ва унинг "Хамса"сига янгича муносабатнинг шаклланиши</i>	141
<i>Тожибоева Озода. "Ҳайрат ул-аброр" ҳикоятларининг классик табдили хусусида</i>	145
<i>Исраилова Маҳсуда. Алишер Навоий илм ва олимпик мақоми ҳақида ("Ҳайрат ул-аброр"даги илм мақолоти асосида)</i>	147
<i>Қурбонов Абдулҳамид. Насрий сарлавҳалар услуги</i>	150
<i>Шамсиева М. "Лайли ва Мажнун" достонидаги психологик чизгилар</i>	155
<i>Ҳакимжонова Раъно. Алишер Навоий ғазалиётида хоккорлик мотиви</i>	157
<i>Ҳасанова Лайло. Ит образини тасвирлашда бадиий санъатнинг аҳамияти (Навоий лирикаси мисолида)</i>	161
<i>Абдулҳакимова Ойбарчин. Алишер Навоий "Сабъаи сайёр" достонининг ўрганилиш тарихи</i>	164
<i>Қурбонова Наргиза. Тафаккур ва ишқ курашининг бадиий талқини</i>	167
<i>Хайруллаев Азамат. "Фарҳод ва Ширин" ҳамда Фитрат "Мунозара"си</i>	170
<i>Хомидова Маҳфузахон. "Лисон ут-тайр" достонида интертекстуаллик механизми</i>	172
<i>Шарипова Сунбула. "Ҳайрат ул-аброр" муқаддимасида инсон: таъриф ва талқин</i>	175
<i>Абдулҳакимова Юлдуз. Навоий ва Фузулий достонларидағи Лайли портрети ва характерининг қиёсий таҳлили</i>	178
<i>Шодиев Одилжон. Алишер Навоий "Лайли ва Мажнун" достонида дўст тимсоли</i>	180
<i>Нуруллаева Ойдин. Навоий шеърияти – халқона руҳ ифодаси</i>	183

ТИЛШУНОСЛИК, УСЛУБИЯТ ВА АДАБИЙ ТАЪСИР МАСАЛАЛАРИ

<i>Исломов Зоҳиджон. Азизийнинг XXI аср навоийшунослигида тутган ўрни</i>	186
<i>Дадабоев Ҳамидулла. Алишер Навоийнинг ҳомийлик фаолияти</i>	190
<i>Холманова Зулхумор. Алишер Навоий ижодидаги умрбоқий ҳақиқатлар</i>	193
<i>Мансурова Гульнора, Намазова Шоира. Философия Навои – источник духовного и нравственного воспитания</i>	193
<i>Абдирашидов Зайнобидин. Алишер Навоий ва Исмоил Гаспринский</i>	198
<i>Тожибоева Муқаддас. Алишер Навоий достонларининг Қодирий ижодига таъсири</i>	201
<i>Қосимов Усмонжон. Жаҳон адабиётининг ҳаётбахш тамойиллари: Навоий ижодида анъана ва новаторлик</i>	204
<i>Йўлдошева Дилором. Алишер Навоий ва туркий тил таълими масаласи</i>	207
<i>Эшонқуловова Сурайё. Навоий меросидан илҳомланиб</i>	209
<i>Тавалдиева Гулбаҳор. Алишер Навоийнинг баркамоллик ғояси ва унинг миллий истиқтол мағкураси билан муштараклиги</i>	213
<i>Соатова Нодира. Навоий ижодига ворислик</i>	215
<i>Пардаев Кўлдош. Муқимий ижодида Навоий анъаналари</i>	218
<i>Абдуллаева Ровияжон. "Күш тили" халқаро антологияси хусусида фикр-мулоҳазалар</i>	221
<i>Бойсинов Соҳибжон. Навоий асарларини ўргатишга доир айрим мулоҳазалар</i>	226
<i>Асанов Эльдар. Кылчакские элементы в языке Алишера Навои</i>	229
<i>Қодирова Барно. Алишер Навоий асарларида белги билдирувчи сўзлар семантикаси</i>	232
<i>Мамажонов Зокиржон. Навоийёна ифода усувлари</i>	235
<i>Холмурадова Муштариј. Юсуф Хос Ҳожиб ва Алишер Навоий ижодидаги муштарак жиҳатлар</i>	239
<i>Музаямхон Фармонова. Ахлоқшунослик лексикаси ҳақида айрим мулоҳазалар (Алишер Навоий асарлари мисолида)</i>	241
<i>Тоирова Гули. "Бадоеъ ул-васат" девонидаги "Этмас" радифли ғазалнинг прагматик таҳлили</i>	243
<i>Эгамбердиева Нилуфар. Навоий ғазалларида "масаллик" юкламасининг қўлланиши</i>	246
<i>Назмия Мухитдинова. Қўқон адабий муҳитида Алишер Навоий анъаналари (Нодира ижоди мисолида)</i>	248

7. Фигуровский И.А. Основные направления в исследованиях синтаксиса связного текста // Лингвистика текста. Материалы научной конф. Ч. II. – М.: МГПИИ им. М. Тореза, 1974.
8. Щерба Л. В. Языковая система и речевая деятельность. – Л.: Наука, 1974. – 428 с; 2-е изд. – М.: УРСС, 2004.
9. Harris Z.S. Analyse du discours // Languages, 1969. – №13.

НАВОЙ ҒАЗАЛЛАРИДА “МАСАЛЛИК” ЮКЛАМАСИННИГ ҚҮЛЛАНИШИ

Эгамбердиева Нилуфар,
Ўзбекистон Миллий университети ўқитувчиси

Ҳазрат Навоийнинг “Ғаройиб ус-сиғар” девонидаги илк ғазалнинг иккинчи байти қуйидагича:
*Ғайр нақшидин кўнгул жомида бўлса занги ғам,
 Йўқтур, эй соқий, майи ваҳдат масаллик ғамзудо¹.*

Байтдаги “масаллик” сўзига дикқат қаратсак. Ушбу сўз “Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати” (2-жилд, 241-бет)да шундай изоҳланган: “монанд, ўхшаш; каби”². Бундан келиб чиқадики, “масаллик” ўхшатиш юкламаси вазифасида келмоқда. Сўзниг этимологиясиға қизиқиб, араб тили луғати “Ан-найм”ни варакладик. Маълум бўлдики, Навоий ҳазратлари қўллаётган “масаллик” сўзи араб тилидаги مَسَالٌ яъни “намоён бўлмоқ”³ сўзидан олинган экан. Шунингдек, феълнинг баъзи бобларида мазкур сўзниг “қиёсламоқ”, “ўхшамоқ”, “-дек”, “сингари”, “каби”, “ўрнак”, “намуна” деган маънолари мавжудлиги англашилади. Хулоса қилса бўладики, ҳазрат Навоий даврида араб тилидаги “масал” (ўрнак) сўзига туркий тилдаги “-лик” ясовчи қўшимчаси қўшилган ва олимларимиз ундан “монанд, ўхшаш; каби” тарзида маъно чиқаргандар. Айтиш мумкинки, бу маъно барча ўринларда ўзини оқлаган. Ушбу байтдаги “ғамзудо” сўзи “ғамни кетказувчи” демақдир. Шунга асослансан, икки мисранинг насрый баёни қуйидагича бўлади:

“Бегона нақшдан қўнгилнинг жомида ғам занги бўлса, эй соқий, ваҳдат – бирлик майи каби ғамни кетказадиган (нарса) йўқдир”.

Қуйида “Ғаройиб ус-сиғар”дан ўрин олган бошқа шеърларда айнан “масаллик” юкламасининг қўлланиш ўринларига дикқат қаратамиз:

Синса қўнглумда ўқунг суртуб исиг қондин анга,
 Пай масаллик чирмағаймен риштайи жондин анга⁴.

(10-ғазал)

Насрий баён:

“Ўқинг қўнглимда синса, унга иссиқ қон суртиб, жон ипидан унга томир каби чирмаб ташлайман”.

Ушбу ғазалда бевосита ёрга мурожаат қилинган. Яъни ёр отган ўқ қўнгилга санчилган ва синиб қолган. Ошиқ ўша синган ўқса ўзининг иссиқ қонини сурмоқчи ва жон или билан уни томир каби қўнглига чирмаб ташламоқчи.

Эй Навоий, учти булбуллар хазонда боғдин,
 Мен қанотсиз қуш масаллик айлаб ағғон қолмишам.

(435-ғазал)

Насрий баён:

¹ Алишер Навоий. Ҳазойин ул-маоний. Ғаройиб ус-сиғар // Масъул муҳаррир: П.Шамсиев. Т.: Фан, 1959. – Б. 21.

² Алишер Навоий тилининг изоҳли луғати. 2-жилд // Тахрир ҳайъати: А.Н. Канонов ва бошқ. Т.: Фан, 1983. – Б. 241.

³ Ан-найм. Арабча-ўзбекча луғат. // Тузувчилар: О. Носиров ва бошқа. Т.: Абдулла Қодирий номида-ги Халқ мероси нашриёти, 2003. – Б. 771.

⁴ Ғаройиб ус-сиғар. Кўрсатилган манба. – Б.30.

“Эй Навоий, булбуллар куз фаслида боғдан учиб кетди, мен қанотсиз қүш **каби** фифон қилиб қолиб кетгандын”.

Учуб руҳум қуши ҳар дам ҳаво айлар занахдонин,
Анингдек қүш **масалликким** нишиман қилмиш ўлғай чаҳ.
(558-ғазал)

Насрий баён:

“Рұхым қуши учиб ҳар лаҳза түмшүғини осмонга күтариади, худди уя қилған жойи чоҳ бўлган қүш **каби**”.

Мазкур байтдаги тасвири кўз олдингизга келтириңг: бир қүш чуқур чоҳни ўзига уя қилиб олди. У ўз уясидан чиқар экан, түмшукларини осмонга күтариб учади. Чунки у йўналишни кўриши учун ҳам шундай қилиши лозим. Ҳазрат Навоий ўз руҳи – қалбини худди чоҳни макон тутган қушга қиёслар экан, тинимсиз юксакка интилаётганига ишора қилған. Лекин чуқур чоҳдан юксакка қараб учиш қанчалик машаққат? Қолаверса, руҳнинг макони инсон жасади, жисми эканлигини ҳисобга олсак, руҳ қуши макон (нишиман – уя) қилған чоҳ тана, вужуд эканлиги ойдинлашади. Одам боласи эса вужуд ором олишини истаб оғир гуноҳларга йўл кўяди. Бундан қалб қораяди, руҳ озор чекади. Демак, Навоий ҳазратларининг руҳни қушга, жисмни чоҳга ўхшатишида чуқур фалсафий мазмун мавжуд.

Қиблатул-куттобким, дерлар ани Султон Алий,
Ким қазо килки **масаллик** хомаси ёзмас ғалат,
Қайси қитъамни ёзди, борди андин шеърлик,
Эл солурлар жузвонғаким, эрур бир қитъа хат.
(47-қитъа)

Насрий баён:

“Қиблат ул-куттоб, яъни котиблар қибласининг – уни Султон Али дейишиади – қалами тақдир қалами **каби** хато ёзмайди, қайсиdir қитъамни кўчирди, ундан шеър услуги ўтди, одамлар уни бир бўлак хат эрур деб жузвонга – чарм халтага солиб қўйишибди”.

Ушбу қитъада котиб Султон Али Машҳадий ҳақида. Ҳазрат Навоий муболаға йўли билан Султон Алиниг қалами – хомасини тақдир қалами – қазо килкига ўхшатган. Шоирнинг айтишича, тақдир қалам хато қилмагани каби Султон Алиниг қалами ҳам хато қилмас экан. Бир куни у ҳазрат Навоийнинг қайсиdir қитъасини кўчириб ёзибди, фақат ўзи қитъага бир шеърий нимадир қўшибди, яъни “борди андин шеърлик” жумласидаги учинчи шахсадан мурод – Султон Алидир, “шеърлик” – “шеърий услуг” демакдир. Хулоса қилиш мумкинки, Султон Али ҳазрат Навоийнинг қитъасини ўзгартириб кўчирган, одамлар эса уни бир бўлак хат деб ўйлашибди, шеър эмас, шунинг учун хатлар солинадиган чарм халтага – жузвонга солиб қўйишибди. Қитъанинг дастлабки икки мисрасида Султон Алиниг қалами тақдир қаламига ўхшатилганди, чунки у сира ҳам адашмас экан. Бунга исбот Навоийнинг шеърини ўзгартириб кўчирганда одамларни уни шеър эмас, хат деб қабул қилишганидир. Чунки котибнинг иши хат кўчириш, шеър ёзиш эмас. Демак, котибнинг қалами ўз вазифасини, яъни хат ёзишни жуда яхши билгани учун адашмасдан Султон Али ўзгартирган қитъани оддий хатга айлантириб қўйган. Қитъадаги юморни ҳис қилиш мумкин. Навоийнинг Султон Али қаламига берган таърифи кишида енгил кулги уйғотади.

Биз ушбу мисолларни кўриб чиқиш орқали “масаллик” юкламаси маъносини таҳлил қилишни мақсад қилгандик. Кўриб ўтганимиздек, “масаллик” юкламаси биз кўриб ўтган намуналарнинг барчасида от сўз туркумидаги сўздан кейин келяпти: “майи ваҳдат масаллик”, “қанотсиз қүш масаллик”, “қүш масаллик”, “қазо килки масаллик”. Энг муҳим жиҳати, “масаллик” юкламаси уч ўринда от сўз туркумидаги сўзларни гапнинг кесимига боғлаб берган: “Майи ваҳдат масаллик ғамзудо йўқтур”, “Қанотсиз қүш масаллик афғон айлаб қолмишам”, “...Хомаси қазо килки масаллик ғалат ёзмас”.

Бир ўринда эса отни равишдошга боғлаган: “Рұхим чаҳ(ни) нишиман (қилған) қүш масаллик учуб занахдони – түмшүғини ҳаво айлар – осмонга қаратар”.

(Эслатиб ўтамиз, ушбу ўринда маъно аниқ очилиши учун “масаллик”ни байтлардаги инверсиядан воз кечган ҳолатда келтирдик. **Инверсия** – шеърда гап бўлакларининг ўрин ўзгариши – Э.Н.)

Хулоса қилиб айтганда, "масаллик" сўзи араб тилидан олинган бўлиб, Алишер Навоий асарларида "каби", "сингари" деган маъноларда қўлланган. Унинг қўлланиш ўрни ҳамда вазифаси бугунги ўзбек адабий тилдаги ўхшатиш юкламасининг вазифасидан деярли фарқланмайди.

Адабиётлар:

1. Алишер Навоий. *Хазойин ул-маоний. Faroib us-sigar* // Масъул мұхаррір: П.Шамсиев. Т.: Фан, 1959.
2. Алишер Навоий тилининг изоҳли лугати. 2-жилд. // Таҳрір ҳайъати: А.Н. Канонов ва бошқ. Т.: Фан, 1983.
3. Ан-найм. Арабча-ўзбекча лугат // Тузувчилар: О. Носиров ва бошқа. Т.: Абдулла Қодирий номидаги Халқ мөроси нашриёти, 2003.

ҚЎҚОН АДАБИЙ МУҲИТИДА АЛИШЕР НАВОИЙ АНЪАНАЛАРИ (Нодира ижоди мисолида)

Муҳитдинова Назмия,

Самарқанд Давлат университети ўқитувчиси

Адабий ворисийлик ижодий илҳомланиш, буюк истеъдоддан баҳрамандлик ва эргашиш тушунчалари ўзига хос юксак савиядаги маданий, адабий ҳодиса бўлиб, Шарқ мумтоз адабиётининг энг муҳим хусусиятларидан биридир. Бу маданий-адабий жараёнда шаклланган санъат тармоқларидан қай бирига назар ташланмасин, асосий мақсад "ўзидан олдингидан" ўрганиб, унинг ғояси ва бадий маҳоратини ривожлантирган ҳолда "янгилаш" эканлиги ойдинлашади.

Ўзбек шеърияти юксак бадий диди, малоҳати, салоҳияти, истеъододи ва маданияти даражасининг ёрқин намояндаси бўлган шоира Нодирабегим мумтоз шеъриятимизнинг деярли ҳамма жанрларида ижод этди. Нодирабегим ижодига ўтмиш мутафаккир шоирларининг таъсири масаласига ўзбек адабиётшунослиги ўтган асрнинг ўрталарида ўз муносабатини билдирган. Нодира ижодини анча мукаммал ўргангандан адабиётшунос олима М.Қодирова ўз тадқиқотларида бу мавзуни анча мұфассал ёритади. "Нодира ўзининг дастлабки тажрибаларидан бошлаб, Лутфий ва Навоий, Фузулий ва Бедил каби Шарқ адабиёти классикларини ўзига устоз деб билди. Улар асарларидаги кучли социал ғоядан илҳомланди, ғазалларига эса назиралар ёзди, мухаммаслар боғлади. Нодиранинг Навоий ижодига катта эътиқоди унинг муҳаммасларида яққол кўзга ташланади"¹.

Шу йилларда яратилган В.Зоҳидовнинг "Ўзбек адабиёти тарихидан" китобида ҳам Навоий ижодининг Нодирабегим шеъриятига таъсири ҳақида шундай сатрлар бор: "Нодира катта журъат қилиб, ўз даврининг сиёсий масалаларидан яна бири ҳақида илғор фикр айтишга етиб келди. Бу, унинг масалан, қуйидаги сатрларида яхши кўринади:

Фуқаро ҳолига гар боқмаса ҳар шоҳ, анга,
Ҳашмату салтанату рафъату шон барча абас.
Шоҳ улдурки, раиятга тараҳҳум қилса,
Йўқ эса қоиди амну амон барча абас.

Бу сатлар, албаттА Алишер Навоийни эслатади"².

Аммо Нодирабегим ва адабий таъсир масалалари мавзуси ўзининг долзарблигини хануз йўқотгани йўқ.

Нодирабегим девонини вараклар эканмиз, шоирининг бевосита буюк шоирнинг айрим ғазалларидан илҳомланиб, шу ғазал вазни, радиifu қофиялари, бадий тимсоллари мавзу ва мазмуни

¹ Қодирова М. Навоий ва Нодира. Адабий мерос., 1-китоб. Т.: Фан, 1970. – Б. 176.

² Зоҳидов В. Ўзбек адабиёти тарихидан. Тошкент, ЎзДБАН. 1961. – Б. 181.